

Тошкент ш.

19 январь 2022 йил

Низом асосида фаолият юритувчи ва бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Курилиш Вазирлигининг «Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК Тошкент вилояти филиали номидан директори Д.Э.Норбоев бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи ва бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи Тошкент шаҳар Хокимияти ЯБХИК номидан Р. Қузқаров иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи» нинг топшириғига кўра, мазкур шартномада белгиланган муддатларда объект бўйича лойиха-смета хужжатлари: «Тошкент шаҳар, Янги Хаёт тумани «Орият» МФИ ҳудудида янги 720 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш ва жихозлаш» экспертизасини ўтказишни, «Буюртмачи» эса, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.2. Экспертиза ўтказилиши учун асос:

**2022 йил 18 январдаги №4-170-сонли Тошкент шаҳар Хокимияти ЯБХИК номидан бош муҳандис в.б. С.Сағдиевнинг хати-буюртма ҳисобланади.**

1.3. Ишнинг бажарилиш муддати: «Буюртмачи» томонидан 30% тўлови амалга оширилганидан ва зарур хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилганидан кейин 30 кун давомида.

1.4. Кўрсатилган муддат «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 2.2.- ва 4.2.-моддалари бузилган ҳолларда узайтирилиши мумкин.

1.5. Шартнома 2022 й 31 декабр гача юридик кучга эга.

### 2. Бажариладиган ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати:

**49 179 999, 55 (қирқ туккиз миллион бир юз етмиш туккиз минг туккиз юз туксон туккиз сум 55тийин) сум ҚҚС билан, ташкил қилади.**

2.2. «Буюртмачи» шартнома имзоланганидан ва Ўзбекистон Республика Молия Вазирлиги Ҳазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг 30% миқдорда аванс тўлайди. Қолган 70% тулов бажарилган ишлар ҳисоб-фактураси тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

### 3. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Ишлар бажарилганидан кейин «Бажарувчи» «Буюртмачи» га экспертиза хулосасини тақдим этади.

3.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар бўйича натижаларни қабул қилишга келмаган ҳолатда, «Бажарувчи» ишлар натижасини, шунингдек «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган хужжатлар мажмуини тегишли равишда сақланишини, ишлар натижасини «Буюртмачи» қабул қилиши лозим бўлган кундан бошлаб, 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида таъминлайди.

3.3. Ишлар бажарилишининг яқунланиши ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси билан расмийлаштирилади.

3.4. «Буюртмачи» томонидан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси имзоланмаган тақдирда, «Бажарувчи» бу ҳолатни қайд этиб, кўрсатилган хужжатларни буюртма илова хати билан биргаликда «Буюртмачи» нинг манзилига юборади.

3.5. «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.4.-моддасида кўзда тутилган буюртма илова хати билан юборилган хужжатлар имзоланмаган ёки ёзма жавоб берилмаган тақдирда, «Буюртмачи» га хат юборилган кундан бошлаб 10 календарь куни ўтгандан кейин, мазкур шартнома бўйича ишлар бажарилган ва «Буюртмачи»га топширилган бўлиб ҳисобланади.

### 4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тегишли бўлган сифатда ва шартномада кўрсатилган муддатларда бажариши зарур.

4.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи» га мазкур шартнома бўйича кўзда тутилган ишларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек барча хужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этиши, «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишларни қабул қилишидан олдин мазкур шартномада кўрсатилган тўловни амалга ошириши шарт.

### 5. Коррупцион ҳолатларни бартараф этиш

5.1. Шартнома юзасидан ишларни амалга ошириш жараёнида томонлар томонидан манфаатлар тўқнашувини юзага келтиришга (таъмагирлик, асоссиз равишда муддатларни чўзиб юбориш, норматив-хужжатларга риоя этмаслик, сансоларликка йўл қўйиш) йўл қўймасликлари шарт.

5.2. Тарафларнинг бири томонидан коррупцион ҳаракатларга даъват қилишлик иккинчи томон зиммасига дарҳол мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбарига ёзма шаклда хабардор қилиши мажбуриятини юклайди.

### 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, «Буюртмачи» ҳамда «Бажарувчи» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкӣ жавобгарликка тортиладилар.



6.2. Агар «Бажарувчи» ишларнинг бажариш муддатларига риоя қилмаса, у ҳолда ҳар бир кунига «Буюртмачи» га бажарилмаган ишлар қийматининг 0,4% миқдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Агар «Буюртмачи» бажарилган ишларнинг ҳақини шартномада кўрсатилган муддатларда тўламаса, тўловни кечиктирилган ҳар бир кунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин тўланмаган сумманинг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Мазкур шартнома бўйича юзага келувчи барча низолар ва келишмовчиликлар фақат Тошкент туманлараро Иқтисодий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ равишда ҳал қилинади.

### 7. Шартнома шартларини ўзгартириш ва бекор қилиш

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаганидан сўнг кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади. Агар «Буюртмачи» кўриб чиқиш ва оферта қабул қилиш учун шартнома лойиҳасини олганидан кейин 5 иш куни давомида шартноманинг расмийлаштирилган нусхасини «Бажарувчи» га қайтармаса, у ҳолда шартнома имзоланмаган ва қонуний кучга кирмаган деб ҳисобланади.

7.2. Агар «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 2.2.-моддасида кўзда тутилган тўлов муддатларига риоя қилмаса, у ҳолда «Бажарувчи» шартномани бир томонлама тартибга бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. Агар «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 4.2.-моддасида кўзда тутилган мажбуриятларга риоя қилмаса, у ҳолда «Бажарувчи» шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. Иккала томонларнинг розилиги билан шартнома бекор қилинганда ва шартномада кўзда тутилган ишлар «Бажарувчи» томонидан қисман бажарилган ҳолатларда, «Буюртмачи» ишларнинг бажарилган қисми учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда «Буюртмачи» ишларнинг бажарилган қисми учун тўланадиган сумма бўйича ҳисоб-китоб ишларига нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

7.5. Бошқа барча ҳолатларда шартноманинг бекор қилиниши фақат томонларнинг розилиги билан ёки Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

7.6. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда тарафлар жавобгарликдан озод қилинадилар.

### Экспертиза ишларини бажариш бўйича шартномавий нархларни келишиш ҚАЙДНОМАСИ

Экспертиза қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2021 йил 17 сентябрдаги 579-сонли Қарори асосида белгиланади.

Шартнома қийматининг ҳисоб-китоби:

49 180 000 000/ 1,15 (ККС қиймати) x 0,1% = 42 765 217 сўм

ҚҚС қиймати - 6 414 782 сўм 55 тийин

**Жами: 49 179 999 сўм 55 тийин ҚҚС билан**

### 3. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

<p><b>Буюртмачи:</b> Тошкент шаҳар Ҳокимияти ЯБХИК</p> <p>Манзил: 700027, Тошкент ш. И.Каримов куч. 16 уй Телефон: 227-46-59</p> <p>400121860262777088805251059</p> <p>УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА МОНЧИНА РУз т/с 23 402 000 300 100 001 910 ИНН 201 122 919</p>
---

<p><b>Бажарувчи:</b> «Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК Тошкент вилояти филиали</p> <p>Манзил: 100011, Тошкент ш. Абай кучаси 6 уй х/р: 20208000400882573013 АТБ Туронбанк Юнусобод фил. ИНН: 305 550 214 МФО: 01144 Телефон: 244-26-04</p>
--



Р. Кузкароров




Директор Д.Э.Норбоев


Исп. Шоумарова Д.

Юрист Ханжоев Н.






Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг  
Янгиҳаёт тумани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан  
2022 йилги Манзилли РЎЙҲАТИ (2021 йилдан қолдиқ маблағ)




№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бўлими ш на фойдалан ш ва йил	Лоқика шувати	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосда) жузидан, бўлими, бошқа ҳудудда	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтуви	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтуви	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтуви	2022 йил учун қийматлар лямкати			2023 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтуви	01.01.23 й. ҳолатига йилга ўтуви	Эмгиртма ҳулоси рақами ва саниси	Ташкилот номи			
								Жами капитал қийматлар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жазо	Жами ҳужжатлари	Қурилган, саклаш ҳужжатлари					Қурилган/ Асосий фонд суммаси		
1	Жами қиймати бўйича	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, "Орият" Мой ҳудудда янги 720 ўринли мақбарга таъмин ташкилоти биносини қуриш	2021-2022 й	объект					598,870			598,870		объект					У-ар ВМ 3.12.2021 й 01-05/1-2953 сонли баёни	"Оқил Ҳама" ХСБ

(қим. 598)



"Киритди"  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
"Ягона буюртмачи хизмати" ИК  
директори



"Келинди"  
Янгиҳаёт тумани  
Молия бўлими мудбири

2022 й.